

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ \_\_\_\_\_

Nishon tuman Moliya bo'limining xo'jalik munosabatlarga oid, siyosiy gazeta va jurnallarga obuna shartnomasi loyihasi yuzasidan quydagilarni,

### ANIQLADIM:

#### 2. Loyihaning nomi

“O'zbekiston pochta” AJ nomidan Nishon filiali Nizomi asosida ish yurituvchi direktor Sh.Abraev matnda «Etkazib beruvchi» deb nomlanuvchi bir tomondan va tashkilot, muassasa, korxonadan Moliya bo'limi Nizom asosida ish yurituvchi X.Yuldashov matnda “Obunachi” deb nomlanuvchi ikkinchi tomondan quyidagi shartnomani tuzdilar:

«Matbuot tarqatuvchi Press» MChJ 2022 yil uchun qo'yidagi ko'rsatilgan spetsifikatsiyaga asosan gazeta va jurnallarni obunachiga yetkazib berishni, Obunachi esa yetkazib berilgan gazeta va jurnallarni qabul qilib olish va shartnomada nazarda tutilgan mablag' doirasida to'lovni amalga oshirishni o'z zimmalariga olish to'g'risida rasmiylashtirilgan loyiha amaldagi qonun normalariga muvofiq ko'rinadi.

Shartnomaning umumiy summasi 2 276 956 ikki million ikki yuz yetmish olti ming to'kkiz yuz ellik olti so'm

#### 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Nishon tuman Moliya bo'limi tomonidan 20.01.2022-yilda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga taqdim etilgan.

Yuqorida qayd etilganlarga asosan,

### XULOSA QILDIM:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq hisoblayman.

Markaz bosh  
yuriskonsulti



U.J.Safarov

20.01.2022-yil

2022 йил Обунаси учун

ОБУНА ШАРТНОМАСИ № 11

Нишон тумани

20 январь 2022 йил

“Ўзбекистон почтаси” АЖ номидан Нишон филиали Низоми асосида иш юритувчи дериктор Ш.Абраев матнда “Етказиб берувчи” деб номланувчи бир томондан ва ташкилот, муассаса, корхона номидан Молия бўлими Низом асосида иш юритувчи Х.Йулдашов матнда “Обуначи” деб номланувчи иккинчи томондан қуйидаги шартномани туздилар.

### 1.Шартноманинг предмети.

1.1 “Ўзбекистон почтаси” АЖ 2022 йил учун қуйидаги курсатилган спецификацияга асосан газета ва журналларини обуначига етказиб беришни, Обуначи эса етказиб берилган газета ва журналларини қабул қилиб олиш ва шартномада назарда тутилган маблағ доирасида тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

Индекс	Нашр номи	Нусха сони	Даврийлиги	Нархи	Сўммаси
1	Янги Ўзбекистон	11	Ойда-1	103900	1142900
2	Халқ сузи газетаси	11	Ойда-1	30206	332266
3	Қашқадарё	11	Ойда-1	72890	811790
					2 276 956

1.2 Шартноманинг умумий суммаси 2 276 956 икки миллион икки юз етмиш олти минг тукқиз юз эллик олти сум

2. Газета ва журналларни етказиб бериш тартиби ва муддати

2.1. Газета ва журналларни етказиб бериш муддати 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача.

2.2. Газета ва журналларни етказиб бериш муддати хар бир маълум тўплам бўйича келишилади.

2.3. Газета ва журналларни сотувчи ўз транспортида етказиб беради.

2.4. Транспорт харажатлари сотувчи томонидан копланди.

### 3.Тўлов тартиби

3.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси.

3.2. Сотиб олинган газета ва журнал учун 100% олдиндан тўловни амалга оширади.

3.3. Тўлов шакли хисоб-китоб нақд пулсиз пул кўчириш йули билан амалга оширилади.

### 4.Газета ва журналларнинг сифати

4.1. Сифат газета ва журналларнинг ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

4.2. Сотувчи тўпламда яроқсиз махсулот мавжудлигини хақида хабар олган пайтдан бошлаб 5 кун ичида сифатсиз газета ва журнални алмаштириб беришга мажбур.

### 5.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

5.1.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битишни расмийлаштириш йули билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидаги хаққонийдир.

Куриб чиқган юрист: SAFAROV UTKIR JURAYEVICH. Хужжат раками: JE6621684024

5.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

5.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### 6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик ҳолида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

#### 7. Шартноманинг амал қилиш муддати.

7.1. Мазкур шартнома «1» январ 2022 йилдан «31» декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

7.2. Шартнома тарафлар имзолаб ўз муҳрлари билан тасдиқлаганларидан сўнг кучга кирган ҳисобланади.

7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

7.4. Шартнома муддатидан олдин қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- Ўз.Рес. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

#### 8. Низоларни ҳал қилиш

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирда Ўз.Рес. Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Рес. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади.

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса иқтисодий судида ҳал қилинади.

#### 9. Бошқа шартлар

9.1. Мазкур шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ:

“БАЖАРУВЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”

“O‘zbekiston pochta” АЖ

Нишон туман Молия бўлими

Манзил: \_\_\_\_\_  
Х/р: 22 612 000 900 155 266 536  
АТ “Алоқа банк”нинг  
Амалиёт бошқармаси  
МФО: 00401  
ОКЭД: \_\_\_\_\_  
ИНН: 200 833 833

Янги Нишон шаҳри Ўзбекистон кўчаси 23-уй  
Х/Р: 100022860102357011312092001  
Марказий банк Тошкент шаҳри Бош бошқармаси ХККМ

МФО: 000 14  
ОКЭД: 84119  
ИНН: 201 286 549

Телефон: 75-512-15-58

**Телефонлар:**

Обуна бўлими:

Бухгалтерия:

Шартнома бўлими:

Иқтисод бўлими/

**Факс**

**Веб-сайт:** www.pochta.uz



Директор \_\_\_\_\_

Юридик хизмат: \_\_\_\_\_

Раҳбар: \_\_\_\_\_

